

25885  
Ю 091

Гулнора Аъзам

**КЎНГИЛДАН  
СЎЗ ОЧСАМ...**



01-1032

*Гулнора Аъзам*

КЎНГИЛДАН  
СЎЗ ОЧСАМ...

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»  
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2000

Аъзам, Гулнора.

Кўнгилдан сўз очсам... / / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи: С. Саййид. / — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2000. — 32 б.

Ўз2

«Гулнора Аъзамнинг шеърлари бирор киши ва ё бирор нарса учун ёзилмаган, — дея ҳайратомуз гап бошлайди мазкур тўпламга сўзбоши битган таниқли шoirимиз Сирожиддин Саййид — Қай бир шеърда «Бир сўзим бор...» деб ваъда қилгандай ҳам бўлади-ю, лекин яна қимтишиб, хижолат чеккандек, айтмайди. Бу сўзни биз ўзимиз топиб оламиз. Топамизу... бир кўнгил таскин-тасаллоси учунгина битилган байтларнинг бизга ҳам алланачук дарада бераётганини, бизни ҳам аллалаётганини, улардаги дарду ҳасрат бизга ҳам юқаётганини илғай бошлаймиз...»

Шеърнинг, шoirликнинг матлаби аслида шу эмасми. муҳтарам китобхон, сиз нима дейсиз?

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи  
Сирожиддин Саййид

4702620202

ISBN 5-89890-019-5

© Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000 й.

© Гулнора Аъзам, 2000 й.

1000 O'zb. Res. DK

1032

10

25885

091

## И Қ Р О Р

Гулнора Аъзамнинг шеърлари бирор киши ва ё бирор нарса учун ёзилмаган. Яъниким, муаллима шоирамиз ота, ёру биродар, дўст ёинки бошқа бирор шахсни деб, ёхуд Ватан, юрт, тупроқ, ой-юлдузлар ҳақида бир шеър ёзайин дебон, атайин мақсад-муддао билан битмаган бу шеърларни. «Яъниким» сўзининг «ким» қисми ҳам таҳлил қилинадиган бўлса, шундай хулоса чиқариш мумкин: бу шеърлар ҳеч ким учун ёзилмаган. Уларнинг замирида ҳам, кечмишу келажагида ҳам шоиранинг ўзидан ўзга ҳеч ким йўқ. Бир қарашда шоирага ҳам, шеърларига ҳам раҳмингиз келади: улар шунчалик содда, танҳою бенаво, ёмғирларда, рутубатларда қолган сингиллардай эзгин ва кимсасиздек...

Дарду изтиробнинг зич-тигизлиги ўқувчини (гарчи шеърлар ўқувчи ўқисин деб битилмаган бўлси-да) бир зумда ҳайратга солади. Замон шоирлари шеърини садолари билан дунёни забт этаман дебон бутун инсониятга даъвою дostonлар сочаётган бир пайтда олис Бойсунда, тоғу тошлар этагида маънос бир муаллима кечалари ўзига ўзи шеърлар айтиб ўтирса, қизиқ-да! Бу муаллиманинг бошқа ташвиши, рўзгори, юмуши ё тирикчилиги йўқ экан-да, дейдиганлар ҳам чиқиб қолар, эҳтимол. Уйламанг, буларнинг бари муаллима-мизда керагидан зиёд бор. Гулнора она бир

этак болани тарбияляпти, яна бунинг баробарида бир мактаб йҗил-қизга кўн йиллардан буён адабиётдан таълим бериб келмоқда. Бир оиланинг бори иссиқ-совуғи зиммисида: овқат пиширади, нон ёпади, ҳовли супуради, қариндош-уруғнинг ташвиш-тадоригига шерик; гапдашном ҳам эшитади, аммо барибир, кўнглидаги нималарнидир қоғозга тўкмаса туролмайди. Биз ва ё сиз учун эмас, ўзи учун. Қай бир шеърида «Бир сўзим бор...» деб ваъда қилгандай ҳам бўлади-ю, лекин яна кимтиниб, хижолат чеккандек, айтмайди. Бу сўзни биз ўзимиз топиб оламиз. Топамизу... бир кўнги таскин-тасаллоси учунгина битилган байтларнинг бизга ҳам аллинечук далда бераётганини, бизни ҳам аллалаётганини, улардаги дарду ҳасрат бизга ҳам юқаётганини илғай бошлаймиз. Дафъатан, шеър шу-да, деймиз ва ҳеч ким учун ёзилмагандек бу шеърларнинг аслида ҳаммамиз учун ёзилганига иқрор бўламиз.

Ватан ҳақидаги шеърлар ҳам худди шундай: улар айнан Ватан учун битилмаган, аммо уларда Ватан бор, меҳру садоқат бор — улар аслида Ватан ҳақдидир. Демак, яшамоққа ҳақли.

Сирожиддин САИПИД

## ҚУЕШ МЕҲРИ ТУШГАН ЮРТ

Муҳаббатдан яралганмиш  
Бу дунёнинг чамани,  
Мафтункор ул виқорли тоғ,  
Амударё кўлами.  
Ўлкам, сени куйга солсам,  
Янграб Сурхон ўлани.  
Пахтазоринг яшил денгиз,  
Оқ юлдузлар маскани.  
Қадим юртсан, Барчиною  
Алпомишлар ватани.  
Юзларимнинг буғдой ранги  
Ҳароратинг тафтими?  
Сермурувват, сахий ерми  
Ёки деҳқон кафтими?  
Олтинсойнинг бол боғлаган  
Боғларининг гаштими?  
Менга илҳом бағишлаган  
Термизийлар байтими?  
Сенга боқсам, дилда минг бор  
Ҳайратлару ифтихор.  
Қуёшнинг ҳам ишқи тушган,  
Сенга юксак меҳри бор.  
Ардоқдасан, азиз юртим,  
Сенга фидо ширин жон.  
Доим шундай ардоқда бўл,  
Ардоқлигим, эй Сурхон!

## АЛЛА АЙТИНГ, АЕЛЛАР

Ғазалларда васф этилган  
Келинчаклар қайдадир.  
Бағри узра нур балқиган  
Беланчаклар қайдадир.  
Болаларга аллаларин  
Кўзгуларда айтадир,  
Алла айтиб ўлтирмоққа  
Бизда фурсат қайдадир.  
Қўлга хино боғламоқни  
Кўятуринг, акажон,  
Чанқовузнинг садосидан  
Юракларда ҳаяжон.  
Сўзлаб турар қадим-қадим  
Келинчаклар васфини,  
Биз тинглаймиз, ўқиймиз-у,  
Билмаймиз вақт қадрини...  
Чанқовузнинг нидосими  
Бизни бунда боғлаган,  
Бобур, Фурқат юрагини  
Туркий қизлар доғлаган.  
Чўлпон кўзга суринг сурма  
Ва қўлларга хинолар.  
Чанқовузни куйга солинг,  
Шод бўлсин-эй момолар!  
Ўз урфини, одатини  
Ардоқ этган аёллар,  
Ўзбеклиги тилидан ҳам,  
Дилидан ҳам аёнлар.  
Боласига алла айтиб,  
Қалблар бўлсин шодоцлар.  
Ётди бизга ўзлигимиз  
Англайдиган замонлар.



## ШОИР ОРЗУСИ

Тўлин ой мисоли тўлдинг, эй кўнгил,  
Умримнинг тор кўчаларин ёритгил.  
Ғамли-ғамсиз, шоду ношод ҳаётдан  
Сўйловчи руҳ гўшаларин ёритгил.

Сен тўлдинг-ай лим-лим — мисли май коса,  
Майми дессам — оғриқлардан андоза.  
Ушал майдан татиб гир-гир тўлғанар  
Нотинч юрак — мисли сархуш раққоса.

Нима ўзи дилим нотинч айлаган,  
Тилим ҳазин туйғулардан сўйлаган,  
Ёўлларимни оппоқ сутдек ёритиб,  
Вужудимни шеър дардига бойлаган?

Сен йўллаган сўқмоқлардан юрайми,  
Гўзал юртим жамолини кўрайми?  
Қўлда қалам, дилда Ватан жилоси,  
Мадҳин майин пардаларда куйлайми?

Оҳангларим етмас унинг мадҳига,  
Меҳнат билан етай юртим қадрига.  
Шеърларимдан қалб садоси келса бас,  
Шоир учун ўзга орзу керакмас.

## ШЕЪРИМ САТРИН ОЛДИМ

Шеърларим сатрин олдим  
Юлдузларнинг нидосидан,  
Тун ила тонг ажралишган  
Лаҳзаларнинг видосидан.  
Тун қўйнида тонг чорлаган  
Бедор қушлар чуғуридан.

Япроқ уэра роз сўйлаган  
Шабнамларнинг суруридан.  
Бунда бордир ол лоланинг  
Маъсумгина габассуми,  
Енгилгина, хуш эгилган  
Қизгалдоқнинг шўх таъзими,  
Сизга бир-бир улашайин  
Тонг елининг ифоридан,  
Кўнглингизни фориг этай  
Нохуш сўзлар губоридан.

### ИЛҲОМ

Сен менинг ҳабибим, сен менинг қалбим,  
Норасо дунёда ёлғиз таянчим,  
Меҳри совуқлардан муз қотса таним,  
Сенга кўз тутаман, дардкаш қаламим.

Кўзларимни юсам кўрмаслик учун,  
Қалбимга кўз бўлиб келасан шу дам.  
Ёлғонлар, риёлар бездирса мени,  
Ростликдан сўз бўлиб келасан шу дам.

Не сабаб бунчалар безовта юрак,  
Мен сени дардлардан кутмоғим керак.  
Оламни нурафшон этмоқлик учун  
Сени мен тилакдай тутмоғим керак.

Изғирин еллардан безган юракни  
Тухматлар, риёлар мавҳ этса мутлоқ,  
Дардларини ёмғирдек қуйса шаррослаб,  
Мен сени ёмғирдан кутмоғим керак.

Туйгулар қўшиғи, тинглаймэн сени,  
Ўзингга бу қадар ром этдинг мени,  
Қуйингдан сўз сеҳрини туймоғим керак,  
Мен сени қалбимдан кутмоғим керак.

## ШЕЪРИ АЗАЛСАН

Ғазалим, сен ўзинг шеъри азалсан,  
Аруз водийсида тенгсиз гўзалсан.  
Ғизоли кўзларнинг нуридекдурсан,  
Навоий лафзининг дуридекдурсан,  
Шарҳинг билганларни сарвар этурсан,  
Маҳзун байтлар билан заргар этурсан.  
Ғазалим, сен ўзинг шеъри азалсан,  
Назм гулшанида тенгсиз гўзалсан.

## ЗУЛФИЗАРГА

Отасию онасидан ширин болам, алла,  
Қантак ўрик донасидан асал болам, алла.  
Чехрагинанг бунча маъсум, гулгун болам,  
алла,  
Кулгичингга садқа бўлсин бувнинг, болам,  
алла.  
Алла айтсам олсин ором бутун олам, алла,  
Бунча ширин бўлмаса бу болаи, болам,  
алла,  
Онламинг гулшанида ўсган лоланг, алла.  
Алла дейин, аллалардан тизай маржон, алла,  
Сен кулганда ёришадн жону жаҳон, алла.  
Оқилаю доно бўлсанг, йўқдир армон, алла,  
Аллалардан яратайлик янги замон, алла.

## ХАЁЛПАРАСТ

(*Болаларга*)

Хаёлпараст аташар  
Мени доим дўстларим.  
Хаёлимда кўрганни  
Ҳеч кўрмаган кўзларим.

Мен хаёл — арғумоқда,  
Учаман кенг самода.  
Пиллапоя қўяман  
Камалакдан ҳавога.

Бунча гўзал бу олам,  
Бунча тиниқ, осуда!  
Чўчитмангиз бир лаҳза,  
Мен кезайин самода.

## СУМАЛАК

Дошқозонда қайнайди  
Вақир-вуқур сумалак.  
Қозоннинг атрофида  
Айланаман мен ҳалак.

— Буви, буви, бувижон,  
Қачон пишар бу таом?  
Кутавериб пишишин,  
Тоқатим бўлди тамом.

Бувим дейди:— Жон болам,  
Сабр қил, ухла андак,  
Сумалакни тонг чоғи  
Пиширар ўттиз малак.

## КЎЗЛАРДАГИ КЕЛАЖАК

(*Битирувчиларга*)

Кўзларингиз қароғида келажакни кўраман,  
Ҳар бирингиз шўх бир ирмоқ, тингламоқчи  
бўламан.  
Сиз хонамга қирқ беш лаҳза баҳор бўлиб  
келасиз,  
Ҳар сабоқда ўн еттинчи баҳоримни кўраман.  
Баҳорнинг ҳам ўзига хос ташқину селлари  
бор,  
Барчасига тоқат қилиб, бардош бериб  
тураман.  
Қалбингизга тошқинларнинг ғуборлари  
қўнмасиц,  
Мен сизларга боқий умр, омад тилаб юраман.  
Кўзларингиз қароғида келажакни кўраман,  
Сизни кўрсам — ўн еттинчи баҳоримни  
кўраман.

## МАКТАБ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Биз, полапон қалдирғочлар,  
Ҳаётга ташна чоғлар,  
Янги бир ҳаёт бугун  
Бизга очгай қучоқлар.

Ун бир йил ҳамдам юрдик  
Устозу шогирд бўлиб.  
Мактаб остонасида  
Турибмиз нурдай тўлиб.

Сизга ой йўлдош бўлсин,  
Қуёш бўлсин раҳнамо.  
Ёғилсин доим, устоз,  
Юзингиздан нур, зиё.

Урганишдик узоқ вақт,  
Илм сеҳри-ла боғландик.  
Бугун, қадрдон мактаб,  
Янги йўлга чоғландик.

Бизга оқ йўл тиларсан  
Оқ орзу, пият билан.  
Йўл топармиз ҳаётдан  
Сен берган ҳикмат билан.

Сенинг қалбинг доимо  
Қайноқ бўлиб қоладир.  
Яна минглаб авлодлар  
Сендан ҳикмат оладир.

## БИР УКИНЧ

(Ҳамкасбларимга)

Ўкинмайман сочинм оқидан,  
Ўкинмасман ажнлардан ҳам.  
Болаларга ҳамнафас бўлиб,  
Қалбларидан кўчирганман ранг.

Оқ тилаклар истаб уларга,  
Оқ орзулар ўргатган ўзим.  
Деразадан боқсам оламга,  
Ўкинч ила ёнар юрагим...

Оппоқ хона, оқ орзу-ният,  
Урганамиз ёруғ ҳикматлар.  
Машаққатдан яралган ҳаёт  
Зулматларга бурканиб ётар.

Сизлар — шамсиз, мен-чи, парвона,  
Йўл излайсиз бу зулматдан сиз.  
Сизга излаб ёғду ва чора,  
Юзларимга чизаман мен из.

Укинмайман сочим оқидан,  
Укинмайман ажнлардан ҳам.  
Аммо қалбда тубсиз бир ўкинч,  
Бу зулматга етармикан шам?!

### СИЗНИ ЙЎҚОТГАН КУН

Гулишанда сариларнинг бели букилди,  
Еш эмас, қалбимдан қонлар тўкилди,  
Юракда ечилмас армон тугилди,  
Отажон, биз сизни йўқотган куни.

Осмондек кенг эди феълу бағрингиз,  
Сизга тортмадикми бари-баримиз,  
Кемтик бўлиб қолди бутун бағримиз,  
Отажон, биз сизни йўқотган куни.

Бийрон тилларимиз дол бўлиб қолди,  
Англаб бўлмайдиган ҳол бўлиб қолди,  
Қоматлар эгилиб, дол бўлиб қолди,  
Отажон, биз сизни йўқотган куни.

Табаррук сўзингиз гулларга пайванд,  
Қалбингиз ҳиммати тоғдек сарбаланд —  
Кетдингиз, юракдан узилди бир банд,  
Отажон, биз сизни йўқотган куни.

Мен энди ишонмам бору барига,  
Инсон кетар экан йўқлик қаърига.  
Тўёлмай қолдик биз ота меҳрига,  
Отажон, биз сизни йўқотган куни.

## ОТАЖОН

(Марсия)

Шеър мулкига мени ошно этдингизми,  
Байтлар битиб юпан, дея кетдингизми?  
Тунда ҳорғин самоларга кўз тикаман,  
Кундузлари останада кўп кутаман...

Армонларим гўё чексиз кўк гумбази,  
Кўзёшларим худди ўксик юлдузлари.  
Бугун менинг сажда учун Қаъбам йўқдир,  
Қон дилимни ёқаётган армон — чўғдир.

Энди излаб тополмайман изингизни,  
Эртақ қилиб сўзлаб юрай сўзингизни,  
Суратлардан излаб топай юзингизни,  
Аламларга йўғирдингиз қизингизни.

Тирикликда тўзимсизлик сиздан ибрат,  
Насиҳатлар сўзладингиз — дуру ҳикмат.  
Меҳнат билан топгандингиз элда ҳурмат,  
Биз, фарзандлар улғайтдингиз — буюк

давлат.

Отажоним, ёруғ жаҳон эдингиз сиз,  
Фарзандларга пайванди жон эдингиз сиз,  
Етти юлдуз қолди бугун парвонасиз,  
Кимни таянч деб билайлик етовимиз?

Дафтарларга битганингиз дардлармиди,  
Қалбингизни чулғаб олган гардлармиди,  
Дил оғриғин тизиб мунглуғ сатрларга  
Ёзганингиз — бизга васиятлармиди?

Ҳайҳот, сизга атаб шеърлар битмагандим,  
Бугунгидай йиғлаб қалам тутмагандим.  
Қаламим ҳам бошин эгиб ғамдан титрар,  
Мен қаламдан марсиялар кутмагандим.



## БАРДОШ

Кўнгил осмонида булут йиғлайди,  
Юракни ўртовчи оғриқ тиглайди.  
Атрофда қашқирлар тишин қайрайди,  
Бардошни ўзимга сирдош айладим.

Елкамдаги оғир юкдан инградим,  
Тилакларнинг титроғидан йиғладим,  
Нодонларнинг сўроғига чидадим,  
Бардошни ўзимга сирдош айладим.

Мени ганимларнинг ўчи ўлдирди,  
Падаримнинг ногоҳ кўчи ўлдирди.  
Гулшанда гулларни зоғлар сўлдирди,  
Бардошни ўзимга йўлдош айладим.

Бугун, дўстлар, мени бардош ўлдирди,  
Дилимни қақшатиб сирдош ўлдирди.  
Тоқатларим тоғи қулади бугун,  
Юрагимдан томган кўзёш ўлдирди.

Ўлдирди, ёт эмас, дўстлар ўлдирди,  
Қавму қариндошим, кўплар ўлдирди.  
Ғаразли боққан ул кўзлари билан,  
Таъна тошларни сўзлар ўлдирди.

Мен фақат бардошни йўлдош айладим,  
Бардошни ўзимга сирдош айладим.

## СЕН ҮЗГАРМАДИНГ

Замонлар ўзгарди,  
Низомлар ўзгарди,  
Қаломлар ўзгарди,  
Аmmo сен ўзгармадинг,  
Ҳақгўй тилгинам!  
Шамоллар хушомад сари елдилар,  
Дўстим деганларим душман бўлдилар.  
Сени забун ҳолда кўриб кулдилар,  
Сен-чи, ўзгармадинг, қайсар феългинам.  
Забонинг булбулигўёлар эди,  
Дунёдан кутганинг рўёлар бўлди,  
Чаман деб билганинг саҳролар бўлди.  
Сен-чи, ўзгармадинг, дардкаш элгинам.  
«Манқурт» дея ёлғон тарих битдилар,  
Сени деб ўғлонлар қонлар ютдилар.  
Зулмат қоплаган, деб шеърлар битдилар —  
Ўзгармадинг, қалби қуёш элгинам,  
Асло ўзгармадинг, дардкаш элгинам!

## ДАРДЛАРИМ

Ёмғир каби ҳазин ёғар  
Менинг юрак дардларим.  
Кўкда сузган булутлармас,  
Киприкдаги гардларим.

«Нурафшон бир замон», дея  
Уммон кечди мардларим.  
Қани ўша нурли замон,  
Шумиди кутганларим?

Қоғоз тўлган ваъдаларга,  
Тошди-ку армонларим.  
Саховатсиз саҳроларда  
Адашган карвонларим.

Бугун энди янги мақсад,  
Бугун янги истиқбол.  
Гулдай-гулдай фарзандлардан  
Яратгаймиз истиқлол.

Ҳазин-ҳазин бу ёмғирлар  
Мисли юрак дардларим.  
Кўкда сузган булутлармас,  
Киприкдаги гардларим.

## ЎХШАМАСИН

Савол бериб юрагимни яралайсиз:  
«Нега сенга ўхшамайди болаларинг?»  
Билмайсизми, қора тупроқ яратган-ку  
Яшил борлиқ ҳамда қизил лолаларини.  
Ўхшамаса ўхшамасин болаларим,  
Балки улар яралардан яралганим,  
Юз ўгирган бахтни ўзга қаратганим,  
Армон билан туйғуларни қаритганим...  
Ўхшамасин менга сира болаларим,  
Шеърим ила сизга етсин ноалаларим.

## СЕН БИЛМАСАНГ...

Юракка дарз кетди,  
Дарз кетди шу кун.  
Кўкка ўрлаган у —  
Оҳимдан тутун.  
Фарзандим кўнглимни  
Сезмади бугун.

Боламсан, этмагин  
Умидим пайҳон.  
Орзу ва истагим  
Чечаги улар.  
Буни сен билмасанг,  
Узга не билар...

Фарзанди онасин  
Тушунмас экан,  
Унади тикан...  
Оллоҳдан тилайман  
Сенга иқбол, шан...

## УМР

Умрим менинг ўтиб борар карвон эди,  
Оғир юки кўнгилдаги армон бўлди.  
Армонларим сарҳад билмас саҳро кезар,  
Азиз умрим қадрин билмай сарбон кетар.  
Армон юкин қўриқлашга яроғи йўқ,  
Пешонада кўзи бору қароғи йўқ.  
Осмон армон, замин армон,  
Кўзланган ул манзил — армон.  
Асоратлар азобида қийналар жон,  
Эсиз, умрим ўтиб борар мисли карвон,  
Оғир юки — кўнгилдаги сўнгсиз армон.

## УМРИМ ДОВОНИ

Уйлаб боқсам, мен умримнинг  
Довонига етибман.  
Жами асрор-ҳикматларнинг  
Уммонига етибман.  
Мен интилиб юксакларга,  
Чўққига юз тутибман.  
Елдайин бу ўтган умрим  
Қарвонига етибман.  
Ортга боқсам — бор кечмишим  
Гўё кафтнинг устида.  
Мен неларни ўргандиму  
Нени билдим аслида?  
Билганларим шу бўлдики,  
Умр экан машаққат.  
Вақт дегани ортга қайтмас  
Қонун экан — бешафқат.  
Бугун ортга қайтгим келар,  
Билмам, кутар не қисмат.  
Болаликни соғиндим мен,  
Шуни қўмсайман фақат...

## БИР СЎЗИМ БОР...

Кўнглимда шундайин бир сўзим борки,  
Уни айтмоқликка сиғмайди ҳаддим.  
Гар илҳом париси келса қошимга,  
Бу сўз шарпасидан жонланар тилим.  
Лек уни айтмоқлик душвору душвор,  
Туйғулар кўпирар кўксимда шу кун.  
Мен нечун шу сўзни этолмам изҳор,  
Нечун тилим лолу не учун забун?  
Илҳом парисига кўнглим очмадим,  
У бир бор чертмади кўнглим торини.

Дилим торларини чертмади сўзим,  
Шўрлик макон этди юрак қаърини.  
Мен илҳом парисини кутаман яна,  
Кутаман ул сўзни айтмоқлик истаб.  
Мен ундан тилимга журъат тилайман,  
Сўз эса бўғзимда қолади йиғлаб...

## ОИ ЁЛГИЗУ МЕН ЁЛГИЗ

Ойдин оқшом самода  
Сен сузасан жимгина.  
Зар кокилинг устида  
Юлдузлардан жимжима.

Эй тўлин ой, эй дилдор,  
Сенга айтар сўзим бор.  
Бир боқиб мен девоиа,  
Сўзсиз бўлибман хуштор.

Парвоналаринг севмас,  
Ишон, менчалик зинҳор.  
Сен самода ёлғизсан,  
Ёрда ёлғиз мен бедор.

Эй беозор малагим,  
Мендан йироқсан, йироқ.  
Меҳрим сенга чексиздир,  
Чексиздир бизга фироқ.

Ўкинма ҳеч, жонгинам,  
Ойдини жаҳонгинам.  
Яқинсан менга ўзинг,  
Дўсту бегонадан ҳам.

## МЕН БУГУН СЕВГИМНИ...

Мен бугун севгимни  
Тупроққа кўмдим.  
Ардоқли висолни  
Фироққа кўмдим.  
Умримнинг ҳамдами —  
Содиқ дўстимни  
Хиёнат аталган  
Ботқоққа кўмдим.  
Энди мен у билан  
Бўлмоғим душвор.  
Хиёнатга ошно  
Бўлолмас дилдор.  
Сенинг алдовларинг  
Ўлдирар минг бор.  
Қалбим қалъасидан  
Ўчирмоғим бор.  
Фарзандларим ҳаққи,  
Кечирмоғим бор.  
Аммо сен-ла кечган  
Вақтдан қўз юмдим.  
Мен бугун севгимни  
Тупроққа кўмдим.

## НИДО

Эй муҳаббат, сен буюк сўз,  
Нурдек оқиб юрасан,  
Узоқлардан мунгли, ғариб,  
Менга боқиб турасан.  
Гоҳо енгил сабо бўлиб,  
Эсиб кўнгил кўчамдан,  
Юрагимнинг дарчасини  
Аста чертиб ўтасан.  
Узоқ ёшлик йилларимга  
Интиҳосан, видосан.  
Қулоқ тутсам овозингга,  
Сўниб борар нидосан...

## МУҲАББАТ

Муҳаббат, бу кўнгил бир жаҳон эди,  
Сен буни сезмасдинг, асло сезмасдинг.  
Мен яратган олам бир уммон эди,  
Сен уни назарга сира илмасдинг.  
Митти бу юракда ўт туғён эди,  
Сен уни билмасдинг, билмасдинг.  
Йўлингга боқардим, дил нолон эди —  
Сен йироқ кетардинг, яқин келмасдинг.  
Ҳижрон саҳросида қолдириб мени,  
Кетардинг бепарво, сира кулмасдинг.  
Мен эса йиғлардим, ўксиб юрагим,  
Сен-чи, сен дардимга малҳам бўлмасдинг.  
Қайдан ҳам мубтало бўлдим мен сенга,  
Йўқса, бу кўнгилга олов солмасдинг.



## ВАФО ИЗЛАДИМ

Самовот сеҳрига учибман,  
Мен ойга ошиққан ошиқман.  
Ойнинг ҳам вафоси йўқ экан,  
Беҳуда ишқ ўтин ёқибман.

Оппоқ тонг қошига чўкаман,  
Этагин тутаман кундузнинг.  
Бир-бир ўтиб борар оқ тонглар,  
Вафоси йўқ экан кундузнинг.

Мен бугун ғамзада ошиқман,  
Меҳрни излайман одамдан.  
Гар инсон инсонни суймаса,  
Биз нени кутамиз оламдан?

## ЎТМИШГА ҚАЙТАМАН

(Эски шеър)

Мен бугун ўтмишга қайтаман,  
Безган бу юрагим оламдан.  
Ўзаллик созини созлайман,  
Юрагим ёнади аламдан.  
Бардошим толиқиб қолганин  
Нодирабегимга айтаман.

Ловиллаб кўз олган дунёни,  
Кўзлардан тўкилган зиёни,  
Ҳақиқатни енгган рўёни,  
Тоқатнинг ҳам етди поёни —  
Мен энди ўтмишга қайтаман,  
Увайсий отинга айтаман.

Иймоннинг зийнатга инъом бўлганин,  
Аёлнинг макрга қурбон бўлганин,  
Муқаддас бу тупроқ увол бўлганин,  
Томирда қон эмас, шайтон юрганин —  
Мен энди ўтмишга қайтаман,  
Сароймулкхонимга айтаман.

Ёғийлар юртимда юрганин,  
Шамширсиз жон олиб турганин,  
Авлоди ўз-ўзин еганин,  
Ҳийдагар доролар кўплигин —  
Мен бугун ўтмишга қайтаман,  
Тўмарис момомга айтаман.

## БОБУР МИРЗО

Бобур Мирзо, Бобур Мирзо,  
Кўҳна тарих бермиш садо,  
Шеърларингнинг ҳар сатридан  
«Юртим!» дея чиқар нидо.  
Оқил Мирзо, саркаш Мирзо,  
Ўз юртингдан бўлдинг жудо.  
Номинг шердир, шонинг шеърдир,  
Қаршингдаги ёғий зўрдир.  
Қондошларинг қалби кўрдир,  
Манглайгинанг бунча шўрдир!  
Бобур Мирзо, Бобур Мирзо,  
Ўз юртингдан бўлдинг жудо.  
Тақдир сени шоҳ яратмиш,  
Оёқ боссанг, чоҳ яратмиш,  
Байтларингда «оҳ» яратмиш,  
Айрилиқдан дод яратмиш.  
Бобур Мирзо, Бобур Мирзо,  
Ўз юртингдан бўлдинг жудо.  
Авлодларинг ёд айлагай,  
Рўҳи покинг шод айлагай,  
Юртингни обод айлагай,  
Бобур Мирзо, Бобур Мирзо,  
Авлодлардан бўлгил ризо.

## АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

(Эски шеър)

Адолатнинг тарозиси бузилгандир азалдан,  
Инсофсизлар инсофли деб, ниймонли деб  
саналган.  
Шундан буён тарозида мувозанат бузилган,  
Адолатни изловчилар зулматларга қамалган.  
Адолатни бу кун кимлар қай йўсинда  
тортадур,  
Мувозанат тошлари ҳам бу кун ғариб,  
майдадур.  
Аё дўстлар, энди бизга ҳақ тақсимот  
қайдадур,  
Одил ва чин тарозибон биздан олис  
жойдадур.

## НАЗИРА

*Ҳар не ерда, кўкда бор — оламда бор,  
Ҳар не ойда, йилда бор — одамда бор.*

*Насимий*

Ҳар не сенда мужассамдир, эй одам,  
Уқимоқ мушкул эрур қалбингни ҳам.  
Кимдир маъни гулшанининг дарёсидир,  
Кимдир риё дарёсининг ғаввосидир.  
Кимнинг қалби осмонўпар тоғ эрур,  
Кимдир чаманда зоғ эрур.  
Оламда ҳар неки бор, кўз ила кўрса бўлур,  
Одамзот асрорини Яратган ўзи билур.

## АНГЛОЛМАДИМ

Англолмадим бу оламнинг гардишини,  
Ажратолмам олқиш билан қарғишини,  
Гоҳ тўфонлар қаршисида лол қоларман,  
Гоҳ ғийбатлар гирдобига тортишини.  
Гоҳ изтироб қалб қушига азоб берар,  
Дунё асли яхши-ёмондан яралар.  
Унут, дўстим, ғалвалару ташвишини,  
Сўзла ҳаёт гўзаллигин, ёз, қишини...

## ТУРФА ХИЛЛАР

Сен ўйламай ҳар кимни  
Яхшидан яхши, дема.  
Оқибат қилмишларин  
Кўрибон минг панд ема.

Оламда яралганлар  
Турфа хил бўлса, не тонг,  
Биров равон шеър мисолдир,  
Узгаси сирли жаҳон.

Келгил, очиқ кўнглим, энди  
Шеърни паноҳ айлагил,  
Турфа хиллардан мени  
Доим огоҳ айлагил.

## РУҲИМ

Юрагимга оқиб тушган дард,  
Юрагимдан дард томчилайди.  
Жисмим узра кезиб беадал,  
Пушаймонлар кўп қамчилайди.

Қиймалайди, қиймалайди, ҳа,  
Жоним бунча қиймалади-я.  
Юрагимни ўтга ёқаман,  
Ёнмай тутаб, ингранади-я.

Юпатишар: «Яшамоқ — лаззат!»  
Лаззат эмиш ҳаётнинг ўзи...  
Ҳаёт нима? Битмас машаққат,  
Сўқир экан бахтнинг ҳам кўзи.

Руҳим, ўзинг беозор хилқат,  
Ўзинг дарддан фориғ ҳақиқат.  
Менга битмас эзгу саодат —  
Сан тозариб боролсанг фақат.

Осонгина кечгум баҳридан,  
Губорли бу фасод қаъридан.  
Озод этсам, руҳимни озод,  
Тутиб кечгум унинг баридан.

## СЕҲРЛИ СЎЗ КУТАМАН

Сенга айтар сўзларимни  
Лолаларнинг япроғига битаман.  
Тўкилган бу туйғуларим  
Шабнамларнинг дудоғига тутаман.

Тингламоқчи садоларни  
Булбулларнинг навосидан кутаман,  
Сеҳрли сўз чаманига  
Йўллар тутаман.

Ою юлдуз ёғдулари  
Тўкилади самодан.  
Қалбимни шу ёғдуларга  
Йўғираман, ютаман.

Билмам, қачон сўз уммонин  
Поёнига етаман.  
Оллоҳим, мен Ўзингдан  
Сеҳрли сўз кутаман.

## МУНДАРИЖА

<i>Иқроф. Сузбоши</i> . . . . .	3
Қуёш меҳри тушган юрт . . . . .	5
Алла айтинг, аёллар . . . . .	6
Шоир орзуси . . . . .	7
Шеърим сатрин олдим . . . . .	7
Илҳом . . . . .	8
Шеъри азалсан . . . . .	9
Зулфизарга . . . . .	9
Хаёлпараст . . . . .	10
Сумалак . . . . .	10
Кўзлардаги келажак . . . . .	11
Мактаб билан хайрлашув . . . . .	11
Бир ўқинчи . . . . .	12
Сизни йўқотган кув . . . . .	13
Отажон . . . . .	14
Бардош . . . . .	15
Сен ўзгармадинг . . . . .	16
Дардларим . . . . .	16
Ухшамасин . . . . .	17
Сен билмасанг . . . . .	18
Умр . . . . .	18
Умрим довони . . . . .	19
Бир сўзим бор . . . . .	19
Ой ёлғизу мен ёлғиз . . . . .	20
Мен бугун севгимни . . . . .	21
Нидо . . . . .	22
Муҳаббат . . . . .	22



Вафо изладим . . . . .	23
Ўтмишга қайтаман . . . . .	24
Бобур Мирзо . . . . .	25
Адолат тарозиси . . . . .	26
Назира . . . . .	26
Англолмадим . . . . .	27
Турфа хиллар . . . . .	27
Руҳим . . . . .	28
Сеҳрли сўз кутаман . . . . .	29

1500

ГУЛНОРА АЪЗАМ

КУНГИЛДАН СУЗ ОЧСАМ...

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Рассом  
Бадний муҳаррир  
Тех. муҳаррир

Сурайё Аъзам  
А. Бурҳонов  
М. Алимов

Теришга берилди 5.06.2000 й. Босишга рухсат этилди  
24.07.2000 й. Бичими 70×90<sup>1/32</sup>. Адабий гарнитурда  
босилди. Шартли босма т. 1,17. Нашр т. 0,96. 1000 нус-  
ха. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 4192.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-  
нинг 1-Тошкент босмахонасида босилди. 700002, Тош-  
кент ш. Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.





Гулнора Аъзам (Аъзамова) Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топган. Термиз Давлат университетининг тил ва адабиёт факультетини битирган. Ўрта мактабда шу фандан сабоқ бериб келади. Шеърлари республика матбуотида, «Бойсун баёзи» тўпламларида чоп этилган. 1 даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган.